Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

27 июль 1972 йил, пайшанба ◆ № 174 (15.345). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Қува районидаги Димитров номли колхоз чорвадорлари қишловга мустаҳкам замин яратишга бел боғлаганлар. Улар шу кунгача 300 тонна дағал хашак, 200 тонна сенаж, 500 тонна силос жамғардилар. Ҳали маккажўхоризорларда ўрим давом этяпти. Ҳар гектар ердан 600 центнердан кўпроқ ўриб олиняпти. Суратда: (юқорида) маккажўхори ўрими тасвирланган. Пастда эса шу колхоз сут-товар фермасининг илғор сигир соғувчилари (чапдан) К. Маматисаева, А. Хўжамбердиева, Ҳ. Абилова, А. Ўринбоева, Ш. Маматалиева ўртоқлар.

Ф. Лутфиллаев фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС ОЛТОЙ ЎЛКА КОМИТЕТИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУТАХАССИСЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети «КПСС Олтой ўлка комитетининг колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда мутахассисларнинг ролини ошириш соҳасидаги иши тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди.

Қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Олтой ўлка партия ташкилоти партия XXIV съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига амал қилиб, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритди. Ўлкада қишлоқ хўжалик мутахассис кадрлари билан ишлашга доим эътибор берилаётганлиги, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда мутахассисларнинг ролини ошириш тўғрисида гамхўрлик қилинаётганлиги шундай муваффақият қозонишни кўп жиҳатдан таъминлади.

КПСС Олтой ўлка комитети, Тоғли—Олтой область комитети, шаҳар ва район комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда мутахассисларга зарур ёрдам кўрсатмоқдалар, уларнинг ижодий ташаббусларини қўллаб қувватламоқдалар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва технологлари бўлган, қишлоқда фан-техниканы тараққий эттираётган мутахассисларнинг активлигини кучайтирмоқдалар. Кейинги йилларда мутахассисларнинг обрўси, уларнинг хўжаликлардаги ишларнинг аҳволи учун масъулияти ошди, ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини та комиллаштиришда, фан ва илғор практика ютуқларини жорий қилишда агрономлар, зоотехниклар, ветеринария ходимлари, инженерлар ва экономистларнинг таъсири кучайди.

Барча районларда, барча колхоз ва совхозларда 1971-1975 йилларда қишлоқ хўжалик мутахассислари ва раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий методларини эгаллаш юзасидан улар билан олиб бориладиган ишнинг перспектив планлари ишлаб чиқилди. Актуал проблемаларнинг бири — мутахассис кадрларни асосан ўлкадаги колхозчилар ва совхоз ходимлари орасидан тайёрлаш ҳисобига хўжаликларни ана шу кадрлар билан таъминлаш проблемаси ҳал этилмоқда. Олтой ўлкаси қишлоқ хўжалик мутахассисларининг сони 1965 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд ортди ва ҳозирги вақтда 18,5 минг кишини ташкил этади. Бу мутахассисларнинг кирқ процента коммунистлар, тўртдан бир қисми хотин-қизлардир. Бош мутахассислар, совхоз директорлари ва колхоз раисларининг кўпчилиги қишлоқ хўжалиги соҳасида олий маълумотлидир.

Ўрта звено раҳбарлари — бригада бошлиқлари, бўлимлар ва ишлаб чиқариш участкаларининг бошқарувчилари, ферма мудирларининг сифат составини яхшилашдан иборат муҳим вазифа амалга оширилмоқда. Олти йил ичида махсус маълумотли бўлган ва сиртдан ўқиётган ходимлар ана шу категориясининг миқдори 7 процентдан 40 процентгача кўпайди.

Партия комитетлари мутахассисларни ғоявий жиҳатдан ўстириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга актив қатнаштиришга, хўжалик фаолиятини кишиларни тарбиялаш билан бирга кўпайтириб олиб боришга катта эътибор бермоқдалар. Кўп мутахассислар партия, совет, касаба союз, комсомол органларига ва бошқа органларга сайланди. Ўн мингдан ортиқ мутахассис қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида пропаганда ва оммавий-агитация ишини актив равишда олиб бормоқдалар.

Қишлоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда мутахассисларни иштирок қилдиришнинг янги формаси кенг ёйилди—шахсий ижодий планлар тузилмоқда. Бу планлар ер, техникадан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, деҳқончилик ва чорвачиликда прогрессив технологияни тез жорий қилишга, фан ва илғор тажриба ютуқларини жорий қилишга қаратилган.

Мутахассисларни, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини қайтадан тайёрлаш, уларнинг профессионал билимини ошириш, фан, техника ва илғор практиканинг энг янги ютуқлари тўғрисида уларга муntазам равишда ахборот бериб туриш ишлари планли суратда олиб борилмоқда. Бу ходимларнинг қариб ярми Олтой қишлоқ хўжалик институтидаги малакани ошириш факультетида ва кадрларни қайтадан тайёрловчи ўлка мактабида ўқиди. Илғор хўжаликларда семинарлар ва илмий ишлаб чиқариш конференциялари уюштирилмоқда. Бу семинар ва конференцияларнинг мавзуи турли соҳа мутахассисларининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб тузиб чиқилмоқда. Мутахассисларнинг ўлка съездлари, район кунлари, қишлоқ хўжалик билимлари университетлари кадрлар билан ишлаш практикасидан жой олди.

Ўлка партия комитети КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми қарорларига асосланиб, қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар даражасини ва уларнинг самарадорлигини ошириш соҳасида иш олиб борди. Ўлкадаги илмий муассасаларнинг фаолияти фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини, олимлар билан мутахассисларнинг ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга қаратилди. Шу билан бирга яроқсиз назарияларга, субъективизмга, практикада текшириб кўрилмаган хом-хатала хулосаларга қарши принципиал кураш олиб борилганлиги илмий коллективлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ишларининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қуруқ дашт зонасидаги уч миллион гектарга яқин майдонда фан билан ҳамкорлик қилиш асосида деҳқончиликнинг тупроқни муҳофаза қилиш системаси жорий этилди, 60 минг гектар ерда дарахт ўтказилди. Бу эса тупроқнинг шамолдан эрозияга учрашини тўхтатиш имконини берди. Колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида деҳқончилик маданияти юксалди. Чорва мол наслини яхшилаш иши такомиллаштирилмоқда, қора мол зотини саноат усулида яхшилаш ва уни боқишни интенсивлаштириш қўлланилмоқда.

Қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида колхоз ва совхозларда созловчи мастерлар звенолари ташкил қилинди. Бу звеноларнинг ўз кучлари билан машина-трактор паркининг кўп қисмига хизмат қилмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозларда радио-телефон диспетчерлик хизмати йўлга қўйилди. Ўлкада рационализаторлик иши кенг қўламда олиб борилмоқда.

Кўп мутахассислар кишиларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш соҳасида катта иш қилмоқдалар, қишлоқ меҳнаткашларининг механизаторлик, чорвачилик усталари касбларини ва бошқа ихтисосларни эгаллашларига ёрдам бермоқдалар. Чорвадорларнинг 20 процентдан кўпи мастер номини олган, тракторчилар ва комбайнчиларнинг учдан икки қисми биринчи ва иккинчи класс мутахассисларидир. Партия комитетларининг қўллаб-қувватлаши билан хотин-қизлар ўртасида қишлоқ хўжалик техникасини эгаллаш харакати авж олиб кетди. Хозирги вақтда колхоз ва совхозларда беш мингдан ортиқ хотин-қиз механизатор бўлиб ишлаяпти.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР 50

ҒЎЗАЛАР СУВГА ҚОНМОҚДА

ПЕШҚАДАМЛАР

ЧЕКАНКА—МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

ЎРИМ-ЙИҒИМ ТЕЗЛАТИЛСИН

МАККАЖЎХОРИДАН СИЛОС

ИЛҒОРЛАР ДАЛАСИДА

ЖАРҚЎРҒОН. (**«Совет Ўзбекистони» мухбири**). «Сурхон» совхозининг тажрибали пахтакори Эшонқул Хоналиев бошлиқ учинчи бўлим ишчилари СССРнинг 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, ғўза парваришини намунали ташкил этмоқдалар. 750 гектар майдонда пахта етиштираётган бу бўлимдаги 10 та далачилик бригадасининг ҳаммаси ғўзанинг тўртинчи комплекс парваришини уюшқоқлик билан тугаллади. Уз вақтида озуқа берилиб, қондириб суғорилган ва сифатли культивация қилинган бўлиқ ғўзалар яшнаб ривожланяпти ва ёппасига ҳосил тугяпти. Ҳар туп ғўзада ҳозирдаёқ 3-5 тадан кўсак, ўнлаб ҳосил тугунчалари, 15-20 тадан гул санаш мумкин.

Ҳосил душмани — ҳашаротга қарши кескин кураш олиб борилаётганлиги учун зараркунандалардан ном-нишон кўринмайди.

Бу илғор коллектив аъзолари социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши йўналари бўйича совхозда биринчи ўринни эгаллаб, кўчма вимпел ва пул мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

Ўтган йили сув танқислигига қарамасдан зўр жасорат кўрсатиб ишлаган бўлим ишчилари ҳар гектар ердан 39 центнердан хирмон кўтарган эдилар. Юбилей йилида эса улар гектаридан камида 42 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб борилаётганлиги учун зараркунандалардан ном-нишон кўринмайди.

Бу илғор коллектив аъзолари социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши йўналари бўйича совхозда биринчи ўринни эгаллаб, кўчма вимпел ва пул мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

Ўтган йили сув танқислигига қарамасдан зўр жасорат кўрсатиб ишлаган бўлим ишчилари ҳар гектар ердан 39 центнердан хирмон кўтарган эдилар. Юбилей йилида эса улар гектаридан камида 42 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб борилаётганлиги учун зараркунандалардан ном-нишон кўринмайди.

Тўрақул Жўраев ва Исмоил Тошқулов ўртоқлар бошлиқ пешқадам бригадалари ишчилари эса ҳар гектар майдондан 50-52 центнердан «оқ олтин» ундириш учун астойдил меҳнат қиляптилар.

Совхознинг Ўроқ Худойбердиев бошлиқ иккинчи бўлими ишчилари ҳам гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, ғўза парваришида ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар. Қулбой Шоймардонов, Дўсан Зафаров, Шукур Қаҳҳоров ўртоқлар бошлиқ бригадалар 45 центнердан ҳосил етиштириш учун ғайрат камарини белга боғладилар.

Бу йил она-Ватанга 10 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этиш учун курашаётган «Сурхон» совхозининг пахтакорлари гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мақсадида ҳамма имкониятларни ишга соляптилар.

А. ХАЛИЛОВ.

Беда уруғи тайёрламоқдалар

Сирдарё областидаги хўжаликларда уруғлик беда пишиб етилди. Кўп йиллик ўтлар уруғини биринчи марта тайёрлаётган Пахтакор районидаги совхозлар беда ўримига киришдилар.

Сирдарё областининг деҳқонлари ўзларини беда уруғи билан тўла таъминлайдилар. Улар шу мақсадда олти ярим минг гектар майдонга беда экиб, бир минг тоннага яқин юқори сифатли уруғлик олишни мўлжалладилар.

(ЎзТАГ).

Янгиюл районидаги «Ленинизм» колхозида ғўзани чеканкалаш бошланди. Колхозчилар ҳар бир туп ниҳолни авайлаб ишлаяпти. Суратда: К. Абдуллаева, Р. Ҳамдамова ва М. Қўзневаларни ғўзани чеканка қилаётган пайтда кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотоси.

ЗАФАР сатрлари

Чуст районидаги боғбонлар ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга 630 тонна ўрнига 650 тонна мева топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Планнинг бажарилишига Ленин номли, «Ленин йўли», «Правда» колхози соҳибкорлари катта ҳисса қўшдилар.

* * *

Наманган районидаги Дзержинский номли колхоз чорвадорлари тайёрлов пунктларига 124 тонна ўрнига 128 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, сут тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин ошириб бажардилар. Планнинг бажарилишига Маърифат Маматқулова, Турсунхон Деҳқонова, Тожихон Жўраеваларнинг хиссаси катта бўлди. Кифоят Олимова сингари илғор сут соғувчилар катта ҳисса қўшдилар.

Колхоз чорвадорлари яна 120 тонна сут етказиб бериш юзасидан мажбуриятларини ошириб бажардилар.

МОҲИР СУВЧИЛАР

Энг яхши сувчилар ҳақида гап кетганда Али ака Файзуловни эсга олмай бўлмайди. Тажрибали деҳқон кўп йиллардан буён Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхози далаларида ғўзаларга сув тараб ёш сувчиларга устозлик қилиб келмоқда. У меҳнат қилаётган Афлат Жабаридзе бошлиқ бригада пахтакорлари 40 центнерчилар ташаббусига қўшилиб, 80 гектар майдонда мўл «оқ олтин» ҳосили тўпламоқдалар.

Ҳ. БЕГИМОВ.

* * *

Июль — ҳосил таҳдирини ҳал қилувчи ойдир. Буни яхши тушунган Ульянов районидаги Карл Маркс номли колхознинг Жўра Розиқов етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари ғўзаларни озиқлантириш ва суғоришга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бригада аъзолари 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб хирмон кўтариш учун бел боғлаганлар. Ҳамма майдондаги ғўзалар ҳозиргача беш марта комплекс парваришдан чиқарилиб иккинчи марта суғорилди. Эндиликда ғўза ниҳоллари шарбат сувига қондирилмоқда.

А. ҲУДОЙНАЗАРОВ.

ЎРИМ КЕЧИКЯПТИ

Самарқанд — республикамизнинг йирик ғаллакор области, Ғаллаорол, Бахмал, Нурота, Пастдарғом районларидаги совхозлар қорақўлчилик билан бирга асосан ғаллакор ҳисобланади. Областнинг бошқа районларида ҳам ғалла етиштиришга ихтисослаштирилган колхоз ва совхозлар кўп. Улар катта-катта майдонларда арпа ва бугдой етиштирмоқдалар. Шундай хўжаликлардан бири — 1-«Ғаллаорол» совхозидир. Бу хўжаликда 22 минг гектар лалмикор ердаги ғалладан ҳозир 15 минг гектари ўрилди. Ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 10 центнердан ҳосил олинди.

Ғаллаорол районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам ғаллани ўриш ва янчиш қизғин давом эттирилмоқда, кунлик график ошириб бажарилмоқда. Хўжалик кейинги 5 кун ичида айниқса кўп майдондаги ғаллани ўрди. Ҳар бир комбайн билан кунига 13 гектардан зиёд ғалла ўрилди. Комбайнлар бункеридан тўкилган ғалла пешма-пеш тозаланиб, давлатга дон етказиб бериш плани қисқа вақтда бажарилди. Пландаги 760 тонна ўрнига 1150 тонна дон топширилди. Уруғлик фонди ва ем кўп миқдорда жамғарилди. 2-«Ғаллаорол» совхози, Карл Маркс номли колхоз ғаллакорлари бутун куч ва имкониятларини ишга солиб, яхши кўрсаткичларга эришди. 2-«Ғаллаорол» совхози далаларида пландагидан 4200 тонна кўп, ҳаммаси бўлиб 15 минг тоннадан ошиқ дон топшириш мажбуриятини олиб, ўрим-йиғимни график асосида давом эттирмоқда. Районда июлнинг тўртинчи беш кунлигида ўриш бўйича юқори кўрсаткичга — 17 процент ўсишга эришилди.

Кейинги кунларда Булунғур, Ўргут районларида ғалла ўриш ва янчиш анча тезлаштирилди. Ўргут районида ўтган беш кунликда умумий майдонга нисбатан 22 процент ердаги ғаллани ўриб олди.

Ғалла ўриш ва янчишни яхши уюштирган илғор хўжаликлар ва районлар ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Лекин умуман олганда ғалла ўрим-йиғими суст бораяпти. Бунга сабаб шуки, колхоз ва совхозлардаги комбайнлар, ғалла тозалаш агрегатлари тўла сафарбар этилмаган, бир қисми эса турли баҳоналар билан бекор туриб қолмоқда. Масалан, Пайариқ районида 132 та комбайндан бор-йўғи 86 таси, Каттақўрғон районида 148 та комбайндан 91 таси ғалла ўряпти.

Бу жиҳатдан асосий ғаллакор Бахмал, Нурота, Пастдарғом, Жомбой районларида аҳвол ачинарли. Бахмал районида далага чиқарилган ҳар бир комбайн билан кунлик ўрилган ғалла 6 — 7 гектардан ошмаяпти. Баъзи кунлари комбайнларнинг ишлашидан бекор турib қолиши кўп бўлмоқда. «Гулбулоқ», «Узунбулоқ», «Қорақишлоқ» каби йирик ғаллакор совхозларда комбайнларнинг иш унуми паст. «Қорақишлоқ» совхозининг директори Б. Нуруллаев, инженери Ж. Соатов ўртоқлар «ғалла пишиб етилмаган» деган баҳона билан комбайнларни ўришга кеч чиқардилар, бошқа ўрим-йиғим техникасини тўла сафарбар қилмадилар. Оқибатда график барбод берилди, тузилган тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Совхоз мавжуд ғалланинг энди ярмини ўрди. Янчиш ва давлатга дон топшириш эса оқсаяпти. 4850 тонна дондан энди 1032 тоннаси топширилиб, план 23 процент бажарилди.

«Узунбулоқ» совхозида комбайнларнинг дуруст ишламаётганлиги устига ўрилган донни тозалашга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Учта дон тозалаш агрегати фақат бир сменада ишлатиляпти. Иккита «ОПВ-20» маркали тозалаш агрегати айни пайтда созланмаган, устахонада ремонт кутиб ётибди. Баъзи кунлари тозаланмаган дон қабул пунктига жўнатилмоқда. Хас-хашак ҳаддан ташқари кўп бўлганидан дон қабул қилинмай қайтарилмоқда. Юк машиналари 40 километрли масофага борib-келиб, ғалла таннархини оширмоқда. Бунинг устига, марказий хирмонда кўп миқдорда дон чўкиб қоляпти.

Бахмал райони хўжаликлари бу йил давлатга 15 минг тоннадан ортиқ дон сотиши, шу хисобдан кунига Ғаллаорол қабул пунктига 600 тоннадан дон топшириши керак. Вакт кетяпти. Аммо кунига ўрилаётган ғалла майдони ва топширилаётган дон миқдори бунинг ярмини ҳам ташкил этмаётир. Район хўжаликлари йиллик дон харид қилиш планининг тўртдан бир қисмини бажарди, холос.

Нурота районидаги «Кўшробод», «Октябрь 50 йиллиги» ва Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхозлар талай майдонга бошоқли экинлар экканлар. Агар шу экинлар ҳосили ўз вақтида ўриб-йиғиб олинса, уруғлик фонди ва ем тайёрлаш планини ошиги билан бажариш ҳамда давлатга 3000 тонна дон сотиш планини ошириб адо этиш мумкин. Лекин районда ғалла ўриш, янчиш ва давлатга дон топшириш ёмон аҳволда. Шу кунгача район дон топшириш планини бор-йўғи 20 процент адо этди.

15 минг гектардан ошиқ ғалла майдонига эга бўлган Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхозда 80 та комбайндан кўп деганда 50 — 55 таси ғалла ўримида қатнашяпти. Совхоз 469 тонна дон топшириб, йиллик планни энди 28,3 процент бажарди.

— Ғалла ўрими қачон бошланган эди? — сўрадик совхоз бош агрономи Абдураҳим Каримовдан.

— Биринчи июлда.

— Қачон тугалланиши лозим?

— ...

— Ўрим-йиғимни 20 иш кунида бажарамиз дегансизларку?

— Ҳа, шундай планлаштирган эдик...

Ачинарлиси шуки, Пастдарғом, Каттақўрғон, Пайариқ, Нарпай районларида ўриш билан янчиш ва давлатга дон топширишда катта тафовутга йўл қўйилмоқда. Чунончи, Нарпай районида умумий майдоннинг қариб 85 процентидаги ғалла ўрилгани ҳолда, давлатга дон сотиш фақат 20 процент атрофида бажарилган. Хатирчи райони ғалла ўришни 95 процентга етказган бўлса, давлат ғалла тайёрлаш планини энди 50 процент нари-берисида бажарган. Бу районларда дон тозалаш машиналари ва автотранспорт иши яхши ташкил этилмаган. Машиналарнинг ишлашидан бекор туриши кўпроқ.

Пастдарғом районидаги «Улус» совхози бўйича янчилган донда бегона ўтлар уруғи кўп. Комбайнлар бункеридан тўкилган донни такрор тозалашга тўғри келяпти. Совхоз давлатга пландаги 4560 тонна ўрнига 1865 тонна дон топширди. Пайариқ районидаги Киров номли совхозда ҳам аҳвол худди шундай. Совхоз давлатга дон топшириш планини атиги 25 процент адо этди. Совхозда ўрим-йиғим судралаётгани ҳолда, еттита комбайн устахонада ташландик ҳолда ётибди.

Самарқанд областининг лалмикор ерларида ғалла ҳосили яхши. Хусусан Ғаллаорол, Бахмал, Булунғур сингари ғаллакор зоналарда ғалла мўл бўлган. Область ғаллазорларидаги ҳосил ўз вақтида, тез суръатлар билан, нобуд килмай ўриб-йиғиб олинса планнигина эмас, социалистик мажбуриятни ҳам ошириб бажариш, уруғлик фонди ва ем-хашакни мўл-кўл жамғариш мумкин. Афсуски, ўрим-йиғим шу даражада ташкил этилмаяпти.

Л. ЭРГАШЕВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЎСТЛИК ҚОНУНЛАРИ АСОСИДА

АШХОБОД, 25 июль. (ТАСС мухбири). Ўзбекистон пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси бугун Туркманистонга келди.

Икки қардош республика халқлари азалдан бир-бирлари билан мустаҳкам дўстлик алоқалари боғлашган. Социалистик мусобақа, ўзаро тажриба алмашиш халқ хўжалиги ва маданиятни янада ривожлантиришга ёрдам бериши яхши анъанага, айланди.

Меҳмонларнинг келиши олдидан колхозлараро текширишлар, районлар, областларнинг ўзаро текширишлари ўтказилди. Бу текширишлар ғўза парваришини яхшилашга ёрдам берди. Пахтазорлар олти марта культивация қилинди, учинчи марта суғорилмоқда. Ғўзаларда мўл ҳосил тўпланмоқда. Лекин хали қилинадиган ишлар кўп.

Ўзбек мирзакорлари республикаларнинг барча колхоз ва совхозларида бўлиб, давлатга камида 900 минг тонна туркман пахтаси сотиш юзасидан СССРнинг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганини текширадилар.

МЕВА ШАРБАТЛАРИ

БЎСТОНЛИҚ (Тошкент области). (ЎзТАГ). Ғазалкент консерва заводи биринчи марта мева шарбатлари тайёрлашга киришди. Корхонада ана шу маҳсулотни чиқариш учун иккита янги поток линия монтаж қилинди. Бу лардан биттаси ўрик ва олчани, иккинчиси олмани қайта ишлаш учун мўлжалланган. Бу йил мавсумда янги установкаларнинг конвейерларидан бир ярим миллион банка мева шарбати ичимлиги чиқарилади.

Корхона помидорларни қайта ишлайдиган поток линияни ўз кучи билан монтаж қилди. Бу линия томат шарбатини қайнатиб тайёрлаш учун мўлжалланган. Бундай технология тамат шарбатини стерилизация қилиш усулига нисбатан маҳсулот тайёрлашда меҳнатни 30 процент кам сарфлаш имконини беради.

Корхона коллективи бу йил мавсумда сал кам 38 миллион банка мева сабзавот консерваси тайёрлаб чиқаради. Ана шу маҳсулотнинг саккиздан бир қисмини шарбат консервалари ташкил этади.

КПСС ОЛТОЙ ЎЛКА КОМИТЕТИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МУТАХАССИСЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Партия, касаба союз ва комсомол комитетлари социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ташкил этишда мутахассисларга кенг кўламда таяниб иш олиб борадиган бўлиб қолдилар. Олинадиган мажбуриятларни иқтисодий жиҳатдан асослаб беришда, илғорларнинг иш методларини пропаганда қилишда мутахассисларнинг роли ошди. Улар деҳқончилик ва чорвачилик юксак маданияти коллективи номини олиш йўлида, меҳнатда Олтой ўлкасидаги илғор механизаторлар деҳқонлар ва чорвадорлар қўлга киритган меҳнат кўрсаткичларига эришиш йўлида мусобақани ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар.

Мутахассислар билан ишлашнинг яхши йўлга қўйилганлиги колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг натижаларига самарали таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш анча кўпайди, экинларнинг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги ўсди, меҳнат унумдорлиги ошди.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети Олтой ўлка партия комитети мутахассисларнинг колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришидаги ролини ошириш соҳасидаги ишини янада такомиллаштириш талаб этилади, деб ҳисоблайди. Айрим жойларда мутахассисларнинг куч ва билимлари деҳқончилик ва чорвачиликни интенсивлаштириш вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилинмаётир. Мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида янгилик ва илғорликни чинакамига амалга оширмоқдалар, деб бўлмайди. Ердан, техникадан ва бошқа моддий воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш — уларнинг фаолиятида хали асосий иш бўлиб қолган эмас. Конкрет ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш вақтида мутахассислар билан бемаслаҳат иш кўриш каби фактлар учраб туради. Улар кўпинча ўзларига хос бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этилади, канцелярия ишларига, ҳар хил маълумот ва ҳисоботларни тузишга кўп куч ва вақтларини сарфлайдилар.

Баъзи агрономлар агротехника қоидаларининг бузилишига қарши қаттиқ кураш олиб бормаётирлар, алмашлаб экишни ўзлаштириш, экин майдонларнинг структурасини такомиллаштириш ва уруғчилик ишини яхшилаш соҳасида сабот-матонат кўрсатмаётирлар. Дон экинлари, картошка ва сабзавотдан кам ҳосил олаётган, маҳсулот тайёрлаш планларини бажармаётган ва озуқа етиштиришни кўпайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилашга зарур эътибор бермаётган колхоз ва совхозлар ҳали оз эмас.

Кўп хўжаликлардаги зоотехниклар ва ветеринария ходимлари жамоат чорвачилигини, хусусан сут берадиган чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликларга тоқат қилиб келмоқдалар. Ўлкада сигирлар туғёни ва маҳсулдорлиги сут ўсмоқда, сигирларнинг кўпи қисир қолмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг, «Сельхозтехника» бирлашмаларининг инженер-техник ходимлари машина ва ускуналардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини хусусан чорвачиликдаги ишларни комплекс механизациялаштириш ҳамда электрлаштириш соҳасида етарли иш олиб бормаётирлар. Қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ва уларни асраш қоидаларининг бузилиши, бу машиналарнинг барвақт яроқсизланиб, ҳисобдан чиқариб юборилиши каби ҳолларга барҳам берилган эмас.

Мутахассислар ва раҳбарларнинг бир қисми хўжаликларнинг экономикасини чуқур билмайдилар, маҳсулот бирлигини етиштиришга бўладиган меҳнат сарфини, озуқа ва бошқа моддий воситалар сарфини қисқартириш йўлидаги курашни уюштирмаётирлар. Колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисобига асосланган муносабатлар суст такомиллаштирилмоқда, жамоат ва давлат маблағларини нотўғри сарфлаш каби ҳолларга йўл қўйилмоқда, маҳсулот сифатининг пастлиги ва маҳсулотнинг бузилиб, нес-нобуд бўлиши натижасида зарар кўрилмоқда.

Айрим раҳбар ходимлар ва мутахассислар хўжалик иши билан тарбия ишини тўғри қўшиб олиб боришга эришмаганлар, одамлар билан якка тартибда иш олиб бормаётирлар, меҳнат интизомини бузиш ва аҳлоққа хилоф ходисаларга қарши курашга жамоатчилик фикрини етарли даражада сафарбар қилмаяптилар. Уларнинг ишлаб чиқаришда ва турмушда муносиб хулқ-атвор намунасини кўрсатмаётганликларидан далолат берувчи ҳоллар учраб туради.

Партия комитетлари қишлоқ хўжалик бошқармаларида ва колхоз ҳамда совхоз ишлаб чиқариши билан бевосита боғланган бошқа ташкилотларда ишлаётган мутахассисларнинг фаолиятини яхшилаш билан кам шуғулланмоқдалар. Ана шу органлардаги мутахассислар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришда хўжаликларга етарли ёрдам бермаётирлар.

Айрим раён партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ раҳбарлари мутахассисларга зарур ўй-жой ва маданий-маиший шароитларни яратиб бериш тўғрисида лозим даражада ғамхўрлик қилмаётирлар. Бу эса кўпинча кадрлар қўнимсизлигига сабаб бўлади. Мутахассислари транспорт, лаборатория ускуналари, приборлар, ташкилий ишлар техникаси билан таъминлаш масалалари суст ҳал этилмоқда. Ана шу воситаларнинг йўқлиги мутахассислар меҳнатининг самарадорлигини пасайтириб юборади.

КПСС Марказий Комитети Олтой ўлка партия ташкилотининг колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришда мутахассисларнинг ролини ошириш соҳасида бажараётган ижобий ишини қайд қилиш билан бирга КПСС Олтой ўлка комитетига, Тоғли—Олтой область комитетига, шаҳар, район комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига мутахассисларнинг амалий фаолиятини КПСС XXIV съездининг қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ҳақидаги қарорларини бажаришга қунт билан сафарбар қилишни таклиф этди. Мутахассислар билан олиб борилаётган ишдаги мавжуд камчиликлар дуғатилсин, уларнинг иш методлари ва формалари такомиллаштирилсин, агрономлар, зоотехниклар, ветеринария ходимлари, инженерлар, экономистлар ва бошқа мутахассисларнинг диққат-эътибори деҳқончилик ҳамда чорвачилик маданиятини юксалтиришга, колхоз ва совхозларда дон техника экинлари ва озуқабоп экинлар, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг прогрессив технологиясини жорий қилишга қаратилсин.

Партия комитетларига мутахассисларнинг обрўсини ҳар томонлама ошириш, уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ташкилотчилари ва технологлари сифатидаги ролини кучайтириш тавсия этилди. Шунга эришмоқ керакки, мутахассислар халқ хўжалик планлари ва қабул қилинган мажбуриятларни бажаришга, ер, машиналардан ва бошқа моддий техника воситаларидан гоят самарали фойдаланишга, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга актив таъсир кўрсатсинлар. Бошқаришнинг замонавий методларини эгаллашда мутахассисларга ёрдам бериш, меҳнатни илмий ташкил этиш принципларини амалда қўлланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларини актив суратда қидириб топиш ва улардан фойдаланиш лозим. Мутахассислар шахсан жавобгар бўлган масалаларни ҳал этишда уларнинг ишини зиммага олишга йўл қўйилмасин. Шундай вазиятни вужудга келтириш керакки, мутахассисларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши технологиясига доир масалалар юзасидан берадиган кўрсатмалари қонун бўлиб қолсин.

КПСС Марказий Комитети мутахассисларни юксак ғоявий эътиқод руҳида, партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида тарбиялаш, янгиликни қидириб топиш ва қўлланишга доим эҳтиёж борлигини сезиш руҳида тарбиялаш, назарий билим ва амалий тажрибани ошира бориш, ўз меҳнатининг натижаларига ҳаққидий баҳо бериш руҳида тарбиялаш — партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Ҳар бир мутахассис янги техника ва технологияни теарақ ўзлаштириб олиши, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, химиялаштиришни колхозчиларга, совхоз ишчиларига ўргатиши, илғор тажрибани қунт билан пропаганда қилиши лозим. Меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашда қишлоқ мутахассисларининг роли оширилсин. Шунга эришмоқ керакки, улар партия сиёсатини актив амалга ошириснлар, ишга ҳалол муносабатда бўлсинлар, ўз бурчларини чуқур англаб олсинлар, кишиларнинг моҳир ташкилотчилари бўлсинлар, юксак одоб ва маънавий-ахлоқий хислатларга эга бўлсинлар, коллективда соғлом ижодий муҳитни вужудга келтиришда ёрдам берсинлар, ҳамма томондан иззат ва ҳурмат қилинадиган кишилар бўлсинлар.

КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини янада ошириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ҳамда электрлаштириш, ишлаб чиқаришни янада тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги ишларни кучайтириш зарур эканлигини кўрсатиб, партия комитетларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ва мутахассисларининг, олимларнинг эътиборини шунга жалб этди. Фан ва техника ютуқлари кенгроқ жорий қилинсин, селекция ва молларнинг зотини яхшилаш иши пухта уюштирилсин, меҳнат ва бошқаришни ташкил этиш такомиллаштирилсин, ҳар бир колхоз ва ҳар бир совхоз экономикасини доим юксалтириб боришга эришилсин.

Партия, касаба союз ва комсомол комитетлари, хўжалик раҳбарлари социалистик мусобақани ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини ташкил этишда, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг профессионал ҳамда иқтисодий таълими оммавий формаларини ривожлантиришда мутахассисларнинг ролини оширишлари лозим. Шунга интилмоқ керакки, барча агрономлар, зоотехниклар, ветеринария ходимлари, инженерлар, экономистлар энг яхши мутахассисларнинг тажрибасини амалда кенг қўллансинлар. Мутахассислар шахсий ижодий планларининг аҳамиятини бутун чоралар билан ошириш — қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда уларнинг меҳнат ташаббусини ривожлантиришнинг муҳим воситасидир. Ана шу планларни бажаришда мутахассисларга доим ёрдам берилсин. Мутахассисларнинг меҳнатидан мақсадга мувофиқ фойдаланилсин, улар канцелярия ишларидан, таъминот ва маҳсулот сотиш функцияларидан, махсус тайёргарликни талаб этмайдиган бошқа хилдаги топшириқларни бажаришдан максимал даражада халос қилинсинлар. Диспетчерлик алоқаси, ташкилий ишлар техникаси ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бошқа замонавий техника воситалари ҳамда методлари кенг қўлланилсин.

Олтой ўлка партия комитетига, Тоғли-Олтой область партия комитетига, шаҳар ва район партия комитетларига мутахассислар кадрларни танлаш, жой жойига қўйиш ва тарбиялаш ишларини янада яхшилашни таъминлаш, колхозларни, совхозларни ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини юқори малакали ходимлар билан мустаҳкамлаш соҳасидаги ишни давом эттириш таклиф қилинди. Агрономлар, зоотехниклар, инженерларнинг бўлимлар, бригадалар, фермаларни бошқаришларига алоҳида эътибор берилсин. Ёш мутахассислар тўғрисида доим ғамхўрлик қилинсин, уларнинг ишлаши ва ижодий ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиб берилсин, ёш мутахассисларни тарбиялаш учун комсомол ташкилотларининг масъулияти оширилсин.

Мутахассислар ва раҳбарларни тайёрлаш ҳамда қайтадан тайёрлаш соҳасида ўлкада таркиб топган система такомиллаштирилсин, кадрларнинг иш тажрибасини, билимини ва ишлаб чиқаришнинг конкрет вазифаларини эътиборга оладиган таълимнинг янги метод ва формалари татбиқ этилсин. Фан-техника ахбороти яхши йўлга қўйилсин, фан тавсиялари ва илғор тажрибанинг ўз вақтида кенг татбиқ этилишига эришилсин. Янгилик, илғорликни ҳис этиш ҳамиша мутахассисга хос хислат бўлиши лозим. Техникани тараққий эттириш ва мутахассисларнинг малакасини оширишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишнинг муҳим омилларидан бири сифатида тажриба ва рационализаторлик иши ривожлантирилсин.

Ходимларнинг профессионал ўсишини рағбатлантириш ва уларни ишлаб чиқариш участкаларида тўғри жойлаштириш мақсадида бу йил ўлкада қишлоқ хўжалик мутахассисларини аттестациядан ўтказиш ишини бошлашга рухсат берилди.

Партия комитетларига, совет, хўжалик ва касаба союз органларига мутахассисларнинг колхоз ва совхозларда муқим ишлашини таъминлаш учун зарур чоралар кўриш топширилди. Мутахассислар ўй-жой ва маданий-маиший шароитини яхшилаш тўғрисида, улар учун шинам уйлар қурилишини кенгайтириш, мутахассисларни транспорт билан таъминлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилинсин.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қишлоқ хўжалик мутахассиси тўғрисидаги Низомни олти ой ичида ишлаб чиқиб, СССР Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этиш топширилди.

Тошкент метрополитени бунёдкорларининг иши кўпайиб қолди. Иккинчи тоннелсозлик отряди проходчилари «Фарҳод» станцияси пойдеворини барпо қилишга киришдилар. Суратда: (чапдан) — проходчи Константин Зимарин, бригадир Павел Энис ва проходчилар сменаси бошлиғи Сергей Шкадинов ўртоқлар. Улар смена топшириқларини орттириб бажармоқдалар. Ж. Рўзматов фотоси.

Ахборот

МУКОФОТГА АВТОМАШИНА

Ҳошим Отахонов — тажрибали ишчи. Ун беш йил мобайнида у қанча-қанча гишт пиширмади, дейсиз. Кувасой шаҳридаги кўпгина кмораларнинг деворн Ҳошим Отажонов тайёрлаган гиштдан тикланган. Шаҳардаги 14-гишт заводининг бу иззатли меҳнаткаши ўз касбини ҳамиша улуғлаб келмоқда. Муносиб шогирдлар етиштириб, топшириқларни ортиқ билан адо этяпти.

Ишчи Отахонов машинали бўлди. Корхона маъмурияти унинг кўп йиллик самарали меҳнатларини тақдирлаб, «Москвич-412» енгил машинаси билан мукофотлади.

Бухоро область Шофирон районидаги Карл Маркс номли колхознинг кўп центнерчи бригада бошлиғи Расул Авезов ҳам шундай машина билан тақдирланди.

Ҳ. ҚАЮМОВ,
М. ЗАРИПОВ.

«МАКТАБИМИЗ ТАЛАБАСИ»

Самарқанд шаҳар шоферлари орасида «мактабимиз талабаси» деган гап бор. Бу бежиз айтилмаган. Шаҳар ва область кўчаларидан ўтаётган пассажир машиналари, 5-20 тонналаб юк ортилган автомашина «МАЗ»ларни бошқараётган шоферларнинг кўпчилиги Самарқанддаги шоферлар тайёрлаш ўқув комбинатини битириб чиққан. Ўқув юрти кейинги олти ойда 500 дан ортиқ шофёр тайёрлади.

А. ИМОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

УСТА ЕНГ ШИМАРИБ ТУРИБДИ

Қарши районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари телевизор ё радио приёмниклари бузилиб қолгудек бўлса, қанча-қанча йўл босиб шаҳарга қатнашарди. Энди ликда колхоз марказида бундай уй жиҳозларини тузатиб берадиган устахона очилди. Бу ерда телевизор ва радио тузатувчи усталар енг шимариб туришибди. Улар келтирилган телевизор ва радиоприёмникларни ўз вақтида тиклаб беришяпти.

М. ХОЛМУРОДОВ.

ТЕХНИКУМ МЕҲМОНЛАРИ

Тошкент областининг Янгийўл районидаги совхоз-техникум республикамиздаги хўжаликлар учун қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлаб бермоқда. Куни неча ана шу даргоҳ дастлабки мутахассисларни тайёрлаб чиқарганлигининг 25 йиллигини нишонлади. Бу тантанали маросимда республика қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган — шу техникумни тамомлаган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, совхоз директорлари, колхоз раислари, механизаторлар меҳмон сифатида қатнашдилар.

П. КАПУСТЯНСКАЯ.

КОМБАЙНЧИ ҚИЗЛАР

Бир гуруҳ қизлар комбайнлар бошқариб ғаллазорга йўл олишди. Улар Самарқанддаги 1- «Ғаллаорол» тажриба-намуна хўжалигида ташкил этилган комбайнчилар курсини тамомлаб чиққан механизаторларнинг янги отряндидир. Т. Маъмурова, А. Зиялова, А. Кўчимова каби қизлар машиналарни маҳорат билан бошқариб, ғалла ўрим-йиғимида ибрат бўлишмоқда.

А. САРИБОЕВ.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

КОММУНИСТ—УЛУҒ НОМ

Ўз сафига 500 дан ортиқ коммунистни бирлаштирган «Атлас» фирмаси партия комитети коммунистларнинг активлигини ва масъулиятини ошириш, КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш соҳасида ибратли ишлар қилаётир. Фирма партия комитети, касаба союз ташкилоти фабрика комитети ва маъмуриятининг органи — кўп тиражли «Маргилон атласи» газетаси яқинда ўзининг бир сонини корхона партия ташкилоти ва коммунистларнинг фаолиятига бағишлади. «Коммунист — ташаббускор, ташкилотчи, етакчи» деган умумий сарлавҳа остида цех партия ташкилоти секретарлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари, илғор бригада бошлиқларига сўз берилди. Коммунистик меҳнат зарбдори З. Узбекованинг «Иштиёз биргина — ҳамиша илғор бўлиш», кенса коммунист А. Хасановнинг «Вақт етарли, фақат...», 1-цех партия ташкилоти секретари М. Мирбобоевнинг «Шахсий ибрат», партком аъзоси М. Қосимовнинг «Гап — масъулиятни ҳис этишда» сарлавҳали мақолалари газета саҳифаларидан ўрин олган. Газета илғор ишчи — коммунистларнинг портретлари ва фотосуратлари билан безатилган.

ТОҒ АСАЛИ

Ўзбекистоннинг тоғли районларида жойлашган ўрмон хўжаликлари хушбўй асал йиғиб олишга киришдилар.

Тошкент ва Каттақўрғон ўрмон хўжаликлари савдо шохобчаларига дастлабки юзлаб килограмм асални етказиб берди.

Асаларичилик — республикамиз ўрмон хўжаликларининг энг ёш тармоқларидан биридир. Бурчмулла ва Каттақўрғон ўрмон хўжаликларида ҳозирдаёқ 150 тача асалари қутиси бор. Беш йилликнинг охирига бориб Ўзбекистоннинг барча ўрмон хўжаликларида асалари боқилади.

(ЎзТАГ).

Ўразгул Сидағалиева Қорақалпоғистон АССР Хужайли районидаги «ВЛКСМ 40 йиллиги» тикувчилик фабрикасида мастер бўлиб ишлайди. У бошлиқ бўлган смена учинчи квартал планини муддатидан илгари бажарди. Суратда: У. Сидағалиева.

Р. Сандов фотоси.

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ҚИТЪАСИ

В. И. Ленин 1921 йил июлида Коминтернинг III конгрессида сўзлаган нутқида бундай деган эди: **«Ер юзидаги кўпчилик аҳолининг дастлаб миллий озодликни кўзлаган ҳаракати жаҳон революциясининг келажак қатъий жангларида капитализмга ва империализмга қарши қаратилиши ва, балки, биз кутганимиздан кўра анча каттароқ революцион роль ўйнаши бутунлай равшан».**

Бизнинг кунларда ҳозир худди шундай бўлмоқда. Масалан, Осиёни олайлик. Улкан, катта ўзгаришларга ташна бу қитъа чиндан ҳам такрорлаб бўлмас даврни бошдан кечирмоқда. Кечаги мустамлака ва ярим мустамлака халқлари тобора кучга тўлмоқдалар, мустамлакачиларнинг кўп асрлар давом этган зулмининг оғир оқибатларидан ҳалос бўлмоқдалар, янги ҳаёт қуришга интилмоқдалар.

Осиёда мустамлакачилик империяларининг тугатилганлиги империализмга берилган қаҳшатқич зарба бўлди. Шундай бўлсада империалистлар, мустамлакачилар, турли хил қиёфадаги ирқчилар ҳали қуролларини ташлаганларича йўқ. Улар ҳозир ҳам Осиёдаги баъзи территорияларни ўз зулми асоратида сақлаб келмоқда. Улар собиқ мустамлака мамлакатларида капиталистик тартибларни авж олдириб, энг разил йўллар билан бўлсада, бу мамлакатларнинг халқларини талаш пайида. Неоколониализмнинг мазмуни аслида шундай.

Мустамлакачиларнинг сиёсати табиатан риёкор. Империалистлар лозим деб билган жойда ёш давлатларнинг ички ишларига илгаригидек ҳозир ҳам сурбетларча аралашмоқда, прогрессив арбобларга қарши ҳар хил иғволар тўқимоқда, ўзларига ёқмаган ҳукуматларни бартараф қилиш учун ҳар хил фитналар ва тўнтаришлар уюштирмоқда.

Сўнгги йиллардаги воқеалар шундан далолат берадики, империалистлар Осиё халқларини бир-биридан ажратишга қаратилган, уларни бир-бирига душман кўзи билан қарашга мўлжалланган ҳаракатларни кескин авж олдириб юборди. Бунда, айниқса, Америка империалистлари учига чиққан авантюра ва найранг ишлатмоқда. КПСС XXIV съезди қарорида айтилганидек, империалистларнинг сиёсати халқлар мустақиллиги ва умумий тинчлик учун катта хавф, ижтимоий тараққиёт йўлида асосий ғовдир.

АҚШ империализмининг урушқоқ доиралари ҳатто «Гуам доктринаси» деган махсус доктринани илгари сурди. Бунинг маъноси—осиёликларни осиёликларга қарши курашга мажбур қилиш ва шу йўл билан америкалик сармоядорларнинг ҳамёнини янада қаппайтириш. Осиё қитъасини доимий ҳарбий можаролар майдонига айлантиришдир. АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги жинояткорона агрессияси, Вашингтоннинг яқинда Ҳиндистонда бўлган воқеалардан Жанубий Осиёда ўзаро урушлар ва низолар чиқариш учун фойдаланишга уринши, АҚШнинг Исроил агрессорларини муттасил қўллаб-қувватлаб келаётганлиги — буларнинг ҳаммаси империализм Осиё халқларининг ашаддий душмани ва ҳозир ҳам шундайлигини кўрсатувчи, империалистик давлатлар сиёсати Осиё қитъасида тинчликка ва ҳавфсизликка таҳдид солаётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Америка империализмининг Осиё қитъасига оид ҳарбий-сиёсий планларида Ҳинди-Хитойда қуролли интервенция алоҳида ўрин тутади. Агрессор бу райондаги социалистик қалъа бўлмиш Вьетнам Демократик Республикасини йўқ қилиш, Жануби-Шарқий Осиё халқларига озодлик ва тараққиёт йўлини беркитиб қўйиш, бу қитъадаги бутун миллий озодлик ҳаракатига зарба бериш ва унинг тарихий ютуқларини чиппакка чиқаришга уриниш билан бирга, социалистик мамлакатлар, бутун дунё меҳнаткашларининг пролетар ҳамкорлиги қанчалик мустаҳкам эканлигини ҳам синаб кўрмоқчи бўлди.

Бу планларнинг тақдири ҳаммага маълум. Социалистик мамлакатлар, бутун дунё меҳнаткашларининг ҳайриҳоҳлигидан мадад олаётган Вьетнам, Лаос ва Камбоджа ватанпарварларининг қаҳрамонлиги Америка империализми стратеглари ниятларини йўққа чиқармоқда.

Шу кунларда бутун дунё Ҳинди-Хитойдан келаётган хабарларни диққат билан кузатиб турибди. Сайгон қўғирчоқ армиясига қарши актив операцияларда Жанубий Вьетнамни озод қилиш қуролли кучларининг зафарларидан ташвишга тушаётган Пентагон ўзининг бутун ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини ишга солиб, Ҳинди-Хитой мамлакатларига ҳуруж қилмоқда. Жанубий Вьетнам территориясига қўплаб бомбалар ташлаш сўнги тўрт йил ичида авж олиб кетди. ВДР территориясини бомбардимон қилиш ҳоллари ҳам тобора авж олмоқда.

Лекин бу ваҳшийларча ҳуружлар ҳам агрессорларни кўзлаган мақсадларига олиб боролмаётир. Шимолий Вьетнам осмонида уриб туширилаётган самолетлар сони тобора кўпаймоқда. Эндиликда Америка маъмурияти Ҳинди-Хитой да уруш олиб борib «вьетнамлаштириш» сиёсатини ўтказаман деб беҳуда уринмоқда. Яқинякингача Вашингтон бу масалада муваффакиятга умид боғлаган бўлса-да, ҳозир озодлик кучларининг зарбалари остида мағлубиятга учрамоқда. Ватанпарварлар бутун-бутун вилоятларни кетма-кет озод қилмоқдалар. Телеграф Америка-Сайгон базаларининг бирин-кетин қулаётганлиги тўғрисида тез-тез хабарлар келтирмоқда. Қўғирчоқ армия ваҳимага тушиб, мағлубиятга учрамоқда, пароканда ликка юз тутмоқда.

АҚШ ва Ғарбий Европада чиқадиган етакчи буржуа газеталарида катта ҳарфлар билан ёзиладиган «Вьетнамдаги ҳарбий ҳолат очиқдан-очиқ хавфли», «АҚШ разведкаси қаттиқ янглишди», «АҚШ ҳукуматида тобора ўсиб бораётган тушкунлик авж олмоқда» деган сарлавҳалар тез-тез пайдо бўладиган бўлиб қолди. Бу сарлавҳаларнинг ўзиёқ «вьетнамлаштириш» сиёсати тамомила пуч эканлигини кўрсатиб турибди.

Қаҳрамон Вьетнам халқининг ҳар жабҳада эришаётган ютуқлари Осиёдаги воқеаларнинг бутун боришига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу ютуқлар империалистик давлатлар қўлида ўйинчоқ бўлишдан кескин бош тортаётган ва Осиёни тинчлик қитъасига айлантиришга интилаётган мустақил

Марҳамат районидаги Ильич номли колхоз далаларида мўл пахта ҳосили етиштирилиб, ғўзалар машинага мослаб парваришланяпти. Бу ишда механизаторлар айниқса пешқадамлик қилмоқдалар. Суратда: (Ўнгда) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машҳур механизатор Ҳафиз Полвонов. Чапда эса ғўзаларга ишлов бериш.

Г. Кечкин фотолари.

ДАМ ОЛИШ ЎЙЛАРИДА

БАХМАЛ ТОҒЛАР ҚЎЙНИДА

Баланд ўрмачли тоғлар бағрида йилнинг тўрт фаслини ҳис этасан киши. Чўққиларда оппоқ қор кўзга ташланса, пастроқда ям-яшил ўтлоқ бошланади. Қалин арчазор, ёнғоқзорлар бўйлаб юрганимизда гўё гўзал фасл — баҳор шу ерга яширингандай туюлади.

«Оқтош» санаторийси ана шундай хушманзара, бир қарашда яшил бахмал билан қоплангандек тоғлар оралиғида жойлашган.

Санаторийга диёримизнинг турли шаҳар ва областларидан кишилар даво излаб келишади. Самарқанд область Нурота районидаги Эрғаш Жуманбулбул ўғли номли колхоз чўпони Шукур Яхшилиев бундай дейди:

— «Оқтош» менга жуда ёқиб қолди. Бу ерда шифоланиш учун ҳамма нарса муҳайё. Бу даргоҳга келиб, тез кунда дардимга шифо топдим. Мендаги касалликдан асар ҳам қолмади.

Санаторийнинг бош врачи Иброҳим Соатов бизга қуйидагиларни айтиб берди:

— Шифохонамиз замонавий медицина ускуналари билан жиҳозланган. Тажрибали шифокорлар хизматидан беморлар хурсанд. Ёз мавсумида санаторийда 200-250 киши шифоланади. Меҳнаткашларнинг маданий дам олиб, дардларига дармон топишларида ҳамма қулайликларни яратишга ҳаракат қилмоқдамиз.

...Кеч кириб, қуёш баланд тоғлар орқасига яширинганда «Оқтош» янада ўзгача манзара касб этади. Тоғлар оралиғига мовий тўр ташлангандек, чор атроф гўзаллашиб борлиққа сайқал беради.

Р. ДАМИНОВ,
Бўстонлиқ райони.

МАФТУНКОР МАСКАН

Йўлнинг икки томонидаги гулзордан хушбўй хид таралади. Қуюқ дарахтли хиёбонлардан салқин шабада эсади. Оппоқ кўпиклар сачратиб отилаётган фаввора атрофи гавжум. Кимдир газета ўқийди, бошқаси китоб варақлаяпти. Суҳбатхонада шахмат суришаётганлар кўзга чалинади.

— Бизда ёз мавсуми гавжум бўлади, — дейди «Қибрай» дам олиш уйининг директори С. Эшонов. — Бу ерга республикамизнинг турли шаҳар-қишлоқларидан дам олгани келишади. Ҳозирги вақтда ҳар 12 кунда 260 дан ортиқ киши оромгоҳимизда хордиқ чиқариб қайтмоқда. Ҳар дам олиш кунлари корхоналардан кўплаб кишилар келадилар. Яқинда 40 ўринли янги корпус ҳам ишга тушди.

Дам олиш масканининг ишчи-хизматчиларидан ҳамма мамнун. Айниқса С. Муҳамедова, А. Новикова, Ҳ. Норматова, Ҳ. Қодиров, М. Риҳонбоева каби ходимларнинг самимийлигини кўпчилик мақтайди. Уларнинг номлари «Ҳурмат тахтаси»да ёзилган.

А. ФОЗИЛОВ,
Н. АБДУРАСУЛОВ

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Совхозимиз чорвачиликка ихтисослаштирилган. Галлачилик ҳам шу мақсад йўлига бўйсундирилган. Қоракўл тери, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотларни ўзимизда тайёрланаётган ем-хашак ҳисобига етиштирамиз. Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мақсадида озуқа базасини мустаҳкамлаймиз. Сугориладиган, шартли сугориладиган ва лалмикор ерлардан олинадиган дон ва сомонни кўпайтиряпмиз. Айни кезда ўтлоқлардан табиий ўтларни ўриб олиш, яйловларнинг унумдорлик ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор берямиз. Лўнда қилиб айтганда, озуқа, озуқа ва яна озуқа учун кураш совхозимиз коллективининг бош вазифасига айланди.

Чорва бинолари қуриш, мавжудларининг «умри»ни узайтириш борасида ҳам катта ишлар қилиняпти. Ҳозир 119 та қўйхона ва 15 та молхонага эгамиз. Совхозимиз тоғлиқ зонага жойлашган, об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради, қиш узоқ ва қаттиқ келади. Ўшандай кезларда чиқимга йўл қўймаслик учун усти ёпиқ қўйхоналар ва сигирхоналар қуришга алоҳида аҳамият берямиз.

Чорвадорларнинг малакасини оширил маъмурият ва партия ташкилотининг диққат марказида бўлаётир. Тажрибали чўпонлар қўйлар, қузиларни тез семиртириш, нобуд бўлишига йўл қўймаслик, маҳсулдорлигини оширишдаги бой тажрибаларини ёшларга ўргатяпти. Ҳар бир бош чўпон уч-тўртта шогирд тайёрлаяпти. Хўжалигимизда 350 кишидан иборат чўпон-чўлиқлар отряди бўлиб, улар қўйчиликни фан ютуқлари, илғорлар тажрибаси асосида ривожлантиришга қодир кишилардир. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли чорва моллари тўёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда муайян муваффақиятларга эришмоқдамиз. Буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин.

Совхозимизда 56 минг бош қўй бор. Шундан 30 минг бошсовлиқ. 1972 йилда она-Ватанга 20 минг 600 дона қоракўл тери етказиб бериб, давлат планини шараф билан бажардик. Устиришга ўтган йиллардагидан анча кўп қузи қолдириб, зоотехника қоидалари асосида парваришлаяпмиз.

Бултур қиш ўта совуқ келди. Эътироф этиш керакки, қўйлардан қисман чиқим бўлди. Бунга ўзимиз айбдормиз. Ем-хашакни етарли миқдорда тўпладиг-у, уни тежаб-тергаб сарфлашга бепарволик билан қарадик. Оқибатда қиш чўзилиб кетгани учун озуқа камоблиги сезилди. Айрим қўйхоналар қишлов талабига тўла жавоб бера олмади. Шунга қарамай, ўзининг кўп йиллик бой тажрибасини ишга солган фермаларимиз, бўлимларимиз, отрядларимизнинг коллективлари ўз бўқимидаги чорва моллар, хусусан қўйларни қишловдан бехатар олиб чиқдилар. Натижада эгиз қузи олишда қувончли муваффақиятларга эришдилар.

Масалан, коммунист Йўлдош Алимов бошчилик қилаётган қўйчилик фермасида чиқимга деярли йўл қўйилмади, баҳорда 9.900 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 120 тадан соғлом қузи олинди. Ферма бўйича қора кўл тери тайёрлаш, ўстиришга қузи қолдириш топшириқлари ошириб ado этилди. Қузилар серўт яйловларда боқилиши, қўшимча ем бериб боқилиши туфайли тез семиряпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин ўтган қишнинг аччиқ сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олиш, келаси қишловга пухта тараддуд кўриш ҳар бир чорвадорнинг муҳим бурчидир. Деҳқонларда «йиғлаб йиғлаб ариқ олсанг — қувнаб-қувнаб экин сугорасан» деган мақол бор. Чорвадорларда ҳам шундай ҳаётий мақоллар кўп. «Ёзда риёзат чеккан чўпон — қишда роҳат қилади» дейилади мақоллар бирида. Бунинг маъноси шуки, чорвадорлар ёз жазирамасида иложи борича кўпроқ ем-хашак тўплаб олса, бинолари тартибга келтирса, сув иншоотларини тузатиб қўйса, қишда қийналмасдан қўй-мол боқади. Биз шуни эътиборга олиб, ҳозирги кунларда ем-хашак тайёрлашни бутун чоралар билан кучайтирмоқдамиз. **Ишлаб чиқариш плани бўйича 7.600 тонна дағал хашак тайёрлашимиз керак эди. Шу кунгача салкам 8 минг тонна дағал хашак жамғариб қишлов жойларига келтириб қўйдик.** Лекин унинг ҳаммасини ДКУдан ўтказа олганимиз йўқ. Бу ишни тез кунда бажаришимиз лозим.

Баҳор серёғин келди. Ўтлоқ яйловлар, тоғ бағри зоналарида ўт-ўлан кўпайди ва яхши ўсди. Йил ҳар доим ҳам шундай қулай келавермайди. **Вазиятни ҳисобга олиб, 1972 йилда 20 минг тонна дағал хашак тайёрлашга азму қарор қилдик. Ҳозир хашак ўришнинг иложи бор жойларда 35 та ўрим агрегати, бешта пресслаш механизми ишлаб турибди. Тошбой Оллобердиев, Иброҳим Абдуллаев, Убай Ибодовлар бошчилигида 350 кишидан иборат учта бригада дағал хашак ўриш, ғарамлаш, ДКУда майдалаш, омухта озуқа тайёрлаш ишларини бажаряпти. Кунлик ўрим графиги 120 процентдан ошириб бажариляпти.**

Бироқ, совхозимиз коллективи олдида бу борада ҳали улкан вазифалар турибди. Дағал хашак ўрими суръатини оширишимиз, ғалла майдонларидаги сомонни сира исроф қилмасдан қишлов жойларига ташиб келтиришимиз, омухта озуқа тайёрлашни бутун чоралар билан авж олдирмоғимиз зарур. Юқорида айтилгандек, совхозимиз тоғлиқ зонага жойлашган. Қиш фаслида отларга бориладиган текис йўл йўқ. Шунинг учун ҳамма ем-хашакни ёғингарчиликлар бошлангунча отарлар ва фермалар ёнига келтириб қўймоғимиз керак. Маъмурият ва партия ташкилоти ем-хашак тайёрлаш бригадалари аъзоларининг эътиборини шунга қаратмоқда. **Ҳар қандай шароитда ҳам 20 минг тонна хашак жамғарилиши ва қишлов жойларга ташиб келтирилишини таъминлаймиз.**

Чўпонлар орасида «оёғи тинмаган қўй эт боғлайди» деган нақл бор. Ундан ташқари «бир терига икки қўй сиғади» ҳам дейишади. Бунинг маъноси қўйлар кеча-кундуз вақтида дам бериб боқилса яхши семиради, семиз қўй қишловдан толиқмай чиқади. Рашид Жабборов, Йўлдош Қодиров, Ашур Сатторов, Бўрон Юсупов, Норпўлат Ашуров каби тажрибакор чўпонларимиз ҳар йили ўз бўқимидаги қўйларни қишловдан бехатар олиб чиқадилар. Чунки улар қўйларни ёз ва куз ойларида энг серўт яйловларда боқиб, юқори семизликда бўлишини таъминлайдилар. **Миришкор чўпонлар бу йил ҳар 100 бош совлиқдан 150 тадан 215 тагача соғлом қузи олиб, катта зафар қучдилар.**

Соғлом қузилар олиш — ишнинг бошланиши холос. Уларни тез семиртириш, касалланишга йўл қўймаслик, қиш бошлангунча камида ўрта даражадаги қўйларга етказиб олиш бош вазифадир. Биз бу йилги қузилардан тузилган отарларнинг ҳаммасини энг тажрибали чўпон-чўлиқларга топширдик. Унумдор яйловлар уларнинг ихтиёрига берилди. Қузилар — аниқроғи тўқлиларни зоотехниклар, ветеринария врачлари кузатиб боряпти. **Салкам 10 минг бош қузи-тўқлилар кутилгандан знёд семряпти. Улардан бирортасини чиқимга чиқармаслик чораларини кўряпмиз.**

Юқорида айтилганидек, совхозимиз чорвачиликка ихтисослаштирилган. **1972 йилда 507 тонна гўшт, 150 тонна сут тайёрлаб давлатга армуғон этишимиз керак. Жун етиштиришни ўтган йилдагидан анча кўпайтиришимиз лозим. Чорвадорларимиз дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Тайёрлов ташкилотларига 250 тонна гўшт топширилди, сут тайёрлаш ярим йиллик топшириғи ошириб ado этилди.** Буларнинг ҳаммасини СССРнинг 50 йиллиги шарафига тайёрланган дастлабки туҳфа деб ҳисоблаймиз.

Ҳар йили давлатга гўшт учун юқори семизликдаги қўйлар ва қорамоллар топширишни кўпайтиряпмиз. Лекин ҳали ишончга олган мўлжалга етаолганимиз йўқ. Чорвадорларимиз ҳар бош қўйнинг тирик вазнини 42-45 килограммга етказишга, қорамолнинг оғирлигини 400 килограммдан оширишга аҳд қилдилар. Халол меҳнат билан бу мақсадимизга ҳам эришамиз.

Совхозимиз ўтган йили давлатга 250 минг сўм соф фойда келтирган эди. Юбилей йилида соф фойдани 350 минг сўмга етказамиз.

Гулом ЮСУПОВ.
Қашқадарё область Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг директори.

БИРЛИК, ДЎСТЛИК

СССР — 50
ЛАТВИЯ
ҳафталиги

Кўп миллатли халқимизнинг катта ва қувончли байрами — Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейи кун сайин яқинлашмоқда. Бу шонли воқеанинг тарихий аҳамияти КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қарорида тўла акс эттирилган. Ҳозир бу ҳужжат районимиз колхозчилари, совхоз ишчилари, саноат корхоналари коллективлари ҳаётининг ҳамма томонларига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Район партия ташкилотининг кундалик амалий иши ҳам шу ҳужжат асосида ташкил этилган.

СССР юбилейи шарафига районимиз колхоз ва совхозлари, саноат корхоналари район ичидагина эмас, балки бошқа қардош республикалар хўжаликлари, ўхшаш саноат корхоналари коллективлари билан ҳам социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Таркиб топган алоқалар олга қараб муваффақиятлирок қадам қўйишимизга, энг яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қўлга киритишимизга, илғор тажрибаларни алмашиб боришимизга, ўзаро ёрдам кўрсатишга, қардошлик ва дўстлигимиз самараларини амалда кўришимизга ёрдам бермоқда.

...Яқинлардагина Огре фақат манзарали жойлари билан машҳур эди. Эндиликда у индустриал шаҳарга айланди. Улкан трикотаж комбинати бизнинг фахримиздир. Ушбу беш йиллик-да корхона лойиҳалари тўла кувват билан ишлаб бошлайди. Бу эса йилига 12 миллион 800 минг дона трикотаж буюми демакдир.

Комбинатга асос солинган дастлабки кунданоқ бу ерда энг илғор, энг замонавий техника ўрнатила бошланди. Бу машиналарни турли миллат вакиллари — латишлар, руслар, украинлар, эстонлар ва бошқа миллат фарзандлари ишлатмоқдалар. Корхона бошқа республикалардан келтирилаётган хом ашё асосида ишламоқда.

Корхона ҳали ёш бўлишига қарамай, Огре комбинати коллективининг Курск ва Пинскдаги трикотаж комбинатлари билан мусобақаси ва дўстлиги анъанага айланиб қолди. Бу корхоналар бир вақтда қурилган, ускуналар ҳам бир вақтда ўрнатилган. Шунинг учун ҳам бу корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш тажрибаларини алмаштириш каби мустаҳкам алоқаларнинг вужудга келиши табиийдир. Масалан, Огре комбинатида Курск трикотаж комбинатида ишлаб чиқилган илғор технология жорий этилган. Бу эса маҳсулот сифатини яхшилаш, жумладан трикотаж буюмларини ювилгандан кейин киришмайдиган қилиш имконини берди.

Пинск трикотаж комбинатида машиналардан фойдаланишни анча вақтгача яхши йўлга қўйиша олмади. У ердан Огре комбинатига ёрдам сўраб, мурожаат қилишди. Дўстлар ёрдам қўлини чўздилар. Улар машиналарни созлабгина қолмай, уларни ўз корхоналаридаги каби қисман модернизация қилишни таклиф этдилар.

Мусобақадошларнинг ҳаётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўтган йил якунларига кўра Огре комбинати Курск ва Пинск комбинатларини орқада қолдириб, мусобақада биринчиликни олди. Келгуси учрашув Пинск шаҳрида ўтказилади. Ана шу учрашувда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига қизғин тус олган мусобақага якун ясалади.

Огредаги картон фабрикаси Эстониядаги Ряпин картон фабрикаси, Закарпатье областидаги Рахов картон комбинати, Гродно областидаги «Ольховка» картон фабрикаси билан ҳам ана шундай мустаҳкам ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатган. Огредаги қурилиш пластмассаси заводи коллективи Закарпатье областидаги Виноградов санитария-техника буюмлари ва пластмасса заводи билан мусобакалашмоқда. Бу корхоналарнинг коллективлари бир-бирларига делегация юбориб турадилар, тажрибаларини ўрганадилар, бир-бирларига техника ёрдами кўрсатадилар.

Районимиз қишлоқ меҳнаткашлари ҳам бошқа республикалар қишлоқ хўжалиги ходимлари билан мусобақалашмоқдалар. Масалан, «Колдарбс» колхози Ногинск паррандачилик фабрикаси билан мусобақадош. Бу хўжаликларнинг паррандачилари, механизаторлари, дала меҳнаткашлари бир-бирлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Улар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулдорлигини оширишда бир-бирларига ёрдам бермоқдалар. Шуниси характерлики, уларнинг бир-бирларига ёрдами фақат маслаҳатдан иборат эмас. Энг яхши тажрибаларни, янги мосламаларни жорий этишда бевосита ёрдам кўрсатишмоқда.

Район партия комитети бу алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Биз колхоз ва совхозларимиз, саноат корхоналаримиз коллективларининг бошқа республикалар саноат корхоналари ва хўжаликлари коллективлари билан социалистик мусобақаси якунларини мунтазам муҳокама қилиб борамиз. Районимиз меҳнаткашлари ўз мажбуриятларини қандай уддалаётганликлари ҳақидаги маълумотлар ҳар ойда тегишли район партия комитетларига юборилади. Бу ҳақда, шунингдек дўстларимизнинг иши қандай бораётганлиги ҳақида район партия комитетида ташкил этилган стендлар ҳикоя қилиб беради.

Районимиз меҳнаткашлари қардош республикаларнинг бошқа районлари билан ҳам ажойиб дўстлик алоқалари ўрнатганлар. Бу дўстлик кун сайин кучли ва мустаҳкам бўлиши учун ҳамма чораларни кўраверамиз.

З. РЕСНЕ,
Огре район партия комитетининг биринчи секретари.
Латвия ССР.



Латвия денгиз кемачилигининг «Петр Стучка» танкери экипажи илғор коллективлардан бири ҳисобланади. Суратда: танкернинг бошқариш кўприкчасида.

Я. Круминь фотоси.

Осиё мамлакатлари халқларининг курашига рағбат бағишламоқда.

Араб мамлакатлари халқлари узларининг адолатли ишларини ва курашларини активлик ва матонат билан ҳимоя қилмоқдалар. Ҳиндистон, Ғарбий Бенгалдеш Халқ Республикаси халқлари империализм кирдикорларига қарши мардонавор кураш олиб бормоқдалар. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар, бутун дунёдаги коммунистик ва демократик ҳаракат шулар томонидадир. Бинобарин, империализмга қарши Осиё халқларининг озодлик кураши ғалабаси муқаррардир.

Совет Иттифоқи В. И. Ленининг васиятларига амал қилиб, Шарқ халқларининг озодлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. СССР халқларининг Осиёга нисбатан ташқи сиёсат йўли бу қитъани доимий ҳарбий низолар майдонига айлантириш планини кўтариб чиқаётган империализм доиралари йўлига кучли тўсиқ бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи Осиё давлатлари билан мусобаталарни жуда ҳам яхшилаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилмоқда, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XV съездида сўзлаган нутқида. — **Биз ўзимизнинг мақсадимизни Осиёда тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашишдан, Осиёдаги тараққийпарвар кучларнинг империализм билан ва мустамлакачиликнинг ҳамма турлари билан кураш олиб боришларига ёрдамлашишдан иборат деб биламиз.**

КПСС XXIV съезди томонидан олга сурилган тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун қурашнинг конструктив ва реалистик программаси жаҳон сиёсатининг энг ўткир фактори бўлиб қолди. Бу сиёсат жаҳонда юз бераётган воқеаларнинг бутун боришига катта ижобий таъсир кўрсатаётганлигини эндиликда ҳеч ким инкор этолмайди. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тинчлик соҳасидаги ташаббуслари ажойиб самаралар бермоқда.

Америка агрессорларига қарши курашаётган Ҳинди-Хитой халқларини, шунингдек Исроил агрессиясига қарши турган прогрессив араб давлатларини СССР активлик билан қўллаб келаётганлигини жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари юксак баҳолямоқда. Яқинда Ҳиндистон ярим оролида юз берган кризис вақтида Совет Иттифоқи Шарқий Бенгалия халқининг озодлик учун курашини қўллаб-қувватлагани бизнинг принципиал интернационал сиёсатимизнинг яна бир ёрқин далили бўлди. СССРнинг бу масалада тутган қатъий позицияси Бангладеш халқининг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш принципини амалга оширишга ёрдам бериш билан бирга, қитъани «интернационаллаштириш» баҳонаси билан империализм бошламоқчи бўлган интервенциянинг ҳам олдини олди.

Совет жамоатчилиги Покистон президенти З. Бхутто билан Ҳиндистон Бош министри И. Гандининг яқинда Симлада бўлган учрашуви муваффақиятли якунланганлигини мамнуният билан қутиб олди.

Эндиликда Осиёдаги вазият тубдан ўзгарди. Фактлар коллектив ҳавфсизлик ғояси ўзига тобора кенг йўл очиб бораётганлигини кўрсатади. Сўнгги йилларда бу ҳусусда ҳар хил фикрлар, тавсиялар, таклифлар билдирилди. Чунончи, Малайзия ҳукумати Жанубий-Шарқий Осиёни бетарафлаштириш таклифни киритди. Ҳинд океанида ва Осиёнинг бошқа районларида ядросиз зонани вужудга келтириш мақсадга мувофиқ, деган фикрлар ҳам билдирилди.

Ўз навбатида Совет Иттифоқи Осиё қитъасида коллектив ҳавфсизлик системасига асос бўлиши керак бўлган принципларни конкретлаштирди. Бу принциплар орасида давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатишдан воз кечиш, суверенитет ва чегараларнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий ва бошқа ҳамкорликни кенг ривожлантириш принциплари бор. Шуни айтиш керакки, бу принциплар БМТ Уставига тўла мувофиқ бўлиб, бирон бир давлатга қарши қаратилган эмас. Шундай бўлсада, Совет Иттифоқининг Осиё ҳусусидаги сиёсатининг ҳаммага маъқуллиги ва самарадорлигини рад этишга қурби етмай қолган ғарб пропагандаси ёр сиёсатни бузиб кўрсатишга уринмоқда. Масалан, «Нью-Йорк таймс» газетасининг шарҳловчиси С. Сульцбергер Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги, Жанубий Осиёдаги сиёсати «жуда муваффақиятли» эканлигини тан олсада, СССРнинг мақсади «Осиёдаги вакуумни тўлдиришдир» деб даъво қилиб, бизнинг сиёсатимизга соя солишга уринмоқда. Англияда чиқадиган «Таймс» газетаси эса, Осиёда коллектив ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги совет ғояси «анча туманли концепция» деб баҳолямоқда. Бу ва бошқа буржуа идеологлари, идеология воситалари бундай уйдирмаларни тарқатаётганда, афтидан, ҳамма нарсани ўз қаричи билан ўлчамоқда.

Лекин фактлар СССРнинг ривожланаётган ёш давлатлар билан дўстлигига, бу давлатларнинг Совет Иттифоқига катта ишончига ҳеч нарса путур етказа олмаслигини кўрсатади. Совет Иттифоқи Осиё қитъасида коллектив ҳавфсизлик принципини эълон қилиб-гина қолмай, ўз қўнглидек фаолиятида Осиёни тинчлик ва ҳамкорлик қитъасига айлантириш ишлари ва иродасини намоён қилмоқда. Сўнгги йилларда Совет Иттифоқи Осиёдаги кўпгина мамлакатлар билан ҳамкорлигини кенгайтирди, бу ҳамкорлик Осиёдаги коллектив ҳавфсизлик системасига асос бўлмоқда. Бизнинг мамлакатимиз айниқса Осиёдаги энг йирик давлат — Ҳиндистон билан дўстона муносабатларни муттасил ривожлантириб боришга катта аҳамият бермоқда. Бу ҳол 1971 йил августида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган Шартномада ўз ифодасини топди. Совет — Ҳиндистон Шартномаси мазкур мамлакатлар ўртасида чорак асрдан буён давом этиб келаётган ҳар томонлама дўстона алоқаларнинг ривожи бўлиб, айни вақтда уни янада мустаҳкамлаш учун сифат жиҳатдан янги шароитлар яратади. Бу ҳужжат ўз самараси нуқтаи назаридан жиддий синовдан ўтди.

Совет Иттифоқининг Осиёдаги бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланмоқда. Жумладан, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг Ироқка ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг Туркияга қилган сафари натижалари бунинг ёрқин далилидир. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсат соҳасидаги бу икки қадами — дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет — Ироқ Шартномасининг тузилишига ва СССР билан Туркия ўртасидаги аҳил қўшничилик муносабатлари принциплари тўғрисидаги Декларациянинг имзоланишига баҳо бериб, Франс пресс агентлиги бундай деб таъкидлайди: бу қадамлар «бундан бир йил муқаддам партия XXIV съездидан кейин Совет Иттифоқи дипломатик ҳужумни авж олдириб юборган натижаларнинг янги ишончли далили бўлиб хизмат қилади».

Совет — Хитой муносабатларига келганда, СССР бу сиёсатни ҳозирги вақтда тинч-тотув яшаш принциплари асосида олиб боришга доим тайёр. **«Биз шундай қилишга тайёр эканлигимизни дангал айтиш билангина чекланаётганимиз йўқ, шу билан бирга биз шундай қилишга тайёр эканлигимизни ҳужум қилмаслик тўғрисида, чегара масалаларини бартараф қилиш тўғрисида, муносабатларни ўзаро манфаатли асосда яхшилаш тўғрисида қилинган жуда конкрет ва конструктив таклифларда ҳам ифодаламоқдамиз. Бу таклифлар Хитой раҳбарларига аллақачон маълум. Энди ган Хитой раҳбарларининг ўзида қолди»,** — деди ўртоқ Л. И. Брежнев СССР Касаба союзларининг XV съездида сўзлаган нутқида.

КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш йўлида Совет Иттифоқи активлаштириб юборган тинчлик ҳужуми бутун антиимпериалистик фронт мавқеини мустаҳкамлашнинг реалистик ва самарали формасидир. Совет Иттифоқи билан Осиёдаги ёш мустақил давлатларнинг манфаатлари муштаракдир. СССР бу мамлакатларни ўз экономикаси ва маданиятини муваффақиятли ривожлантиришидан, уларнинг мустаҳкам тинчлик ва миллий мустақиллик нашъасини суришларидан манфаатдордир. Социализм кучлари билан миллий-озодлик ҳаракати кучларининг иттифоқи шу боисдан бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

В. ЗЮГАНОВ.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Акорбой Дўсматов Нурота районидаги 62. мактабга тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари қилиб тайинланган эди. Дўстусарини билмай қолди. Арзимаган баҳоналар билан кишиларни ҳақоратлайдиган, камситадиган қилиқ чиқарди. Дўсматовнинг жиловини тортиб қўйдиган киши районимизда топилмасмикан?

Ушбу жумлаларни Нурота районидаги 62-мактаб ўқитувчилари редакциямга йўллаган хатларидан келтирдик. Хат текшириб, чора кўриш учун Самарқанд область партия комитетига юборилган эди. У ердан хабар қилишларича, текширишда хатда келтирилган фактлар тасдиқланган. Педагог номига номуносиб хатти-харакатлар қилгани учун А. Дўсматов вазифасидан четлаштирилган.

ПЕШҚАДАМГА ХОС ХИСЛАТ

Футбол

Ўтган куни Тошкентнинг «Пахтакор» командаси иккинчи давранинг дастлабки ўйинини ўтказди. Бу учрашувнинг шиддатли ўтиши кутиларди. Негаки, пахтакорчилар Оржоникидзенинг «Спартак» командасидан биринчи даврада ғалабани олиши керак эди. Спартанчилар дастлабки учрашувларда 5—11-ўринларда борib, даврани тўққизинчи ўрин билан тугаллади. 20 очко тўплади. Улар ўрта Осиё командаларига очко ютқазиб юрганди.

«Пахтакор» муҳлислари стадионга кўплаб келишди. Улар ўз командаларининг пешқадамга хос ўйинини томоша қилишга орзуманд эдилар. Учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ пахтакорчилар ҳужумкорлик руҳини намойиш қилдилар. Ўйинчимиз Лисаковский дарвозани нишонга олдию, тўп ўрнини тополмади. Сал ўтмай у қаттиқ жароҳатланди. Пахтакорчилар меҳмонлар дарвозаси олдида бот-бот ҳужум уюштириб турдилар. Лисаковский ўрнига майдонга тушган Владимир Федоров ўзига хос тезкорлик услубларини кўз-кўз қила бошлади.

Дақиқа сайин майдон эгаларининг устунлиги тобора яққолроқ сезилиб борди. 19-минутда пахтакорчи В. Кузьмин мавсумдаги учинчи тўпини киритишга муваффақ бўлди. Учрашувнинг биринчи қисми тугашига 4 минут қолганда, пахтакорчилар яна бир комбинация вужудга келтиридилар. Кутилмаганда Кузьмин ёш ўйинчи Федоровга ўзи бошқариб бораётган тўпни узатди. Федоров дадиллик билан ҳаракат қилиб, спартанчилар дарвозасини Олейникнинг догда қолдирди. Ҳисоб майдон эгалари фойдасига 2:0.

Командамиз ансамблидан муносиб ўрин олаётган ёш ўйинчилар билан тажрибали футболчилар ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда. Буни шу учрашувда ва ундан олдинги учрашувларда ҳам кўрган эдик. Михаил Ан тўпни эгаллаши билан дарвозани ишғол қилиш учун астойдил ҳаракат қилади. Бошқа ёшлар ҳам яхши жиҳатлари билан командамизнинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишга ҳисса қўшмоқдалар.

Ўйин давомида майдон эгалари меҳмонлар дарвозасини неча бор нишонга олдилар. Лекин спартанчилар тошкентликлар ҳужумларини бартараф қилиш тадбирларини кўрдилар. Бора-бора уларнинг ҳимояга ўтиб олаётганликлари билиниб қолди. Шу ўринда тажрибали дарвозабон Владимир Олейникнинг маҳорати тошкентлик футбол муҳлислари томонидан тан олинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Федоров ўйин тугашига 7 минут қолганда ўз командасига жонқуяр эканлигини амалда яна бир бор исбот қилди. «Пахтакор» — «Спартак» учрашуви 3:0 ҳисобида тамом бўлди. Командамиз нақд 32 очко жамгарди.

«Пахтакор» 29 июлда ўз майдонида Нальчик шаҳрининг «Автомобилист» командасини қабул қилади.

Ж. ҲОЛҚОСИМОВ.

СПАССКИЙ ҚАНДАЙ ЮРИШ ҚИЛГАН ЭКАН!

Ишқибозлар жаҳон шаҳмат тожи учун курашнинг қизғин дақиқаларига гувоҳ бўлиб туришибди. Чемпионнинг нақд икки очкоси бўлганида ҳеч нарсасиз кураш бошлаган Р. Фишер ўйиндан-ўйинга очилиб бормоқда. Айниқса, қаторасига икки марта ғалабага эришгач, куч-ғайрати ортиб кетгандек бўляпти, лекин чемпионимиз ҳам бўш келмаётир. Буни еттинчи партияда ҳам намойиш қилди. У даъвогарнинг яхши қўрадиган сицилианча ҳимоя усулини таклиф этди. Дастлабки юришларни рақиблар жуда тез қилишди. Чемпион в2даги пиёдасини қурбон бериб, ўтқир вариантни танлади. Кейинги юришлар бутунлай янгича тус олди. Шундан кейин Спасский сира иккиланмасдан иккита пиёдаси ва сипоҳини қурбон қилди. Лекин Фишер ҳам жуда пухта ва аниқ ҳимоя йўлини топди. Қора доналарнинг аҳволи танг бўлиб қолган пайт ҳам бўлди.

Спасский қурбон қилган сипоҳи ва икки пиёдасини астасекин қайтариб олди. 26-юришда фарзинлар алмаштирилди. Энди бир пиёдаси ортиқ бўлган даъвогарнинг қарши ўйинга ўтиш имконияти кенгайиб ғалабага мойил бўлган позицияга эга бўлди. Лекин Фишер иккита суст юриш қилиб, ютқини йўққа чиқараёзди.

Бу ўйинда гроссмейстерлар вақт танглигига — цейтнотга дуч келишмади. Охирги контроль юриш олдидан Спасский ярим соат обдон ўйлади-да «махфий» юришини ёзиб қўйди. Ким билади, балки бу юриш еттинчи учрашув тақдирини ҳал қилиб берар?

Кечиктирилган ўйинда рақиблар позицияси қуйидагича эди: **Оқ доналар (Спасский): Крг2,Лд3, Ле2, Кф5, пиёдалар — а4, ф4, н3. Қора доналар (Фишер): Крг6, Лс1, Лк8, Кс4, пиёдалар — в6, ф7, г4, н5.**

Гарчи Фишернинг бир пиёдаси ортиқ бўлса-да, Спасскийнинг сипоҳлари активроқ жойлашган. Собиқ жаҳон чемпиони Т. Петросяннинг тахминича ўйин дуранг билан тугаса керак. Гроссмейстер Д. Бронштейн эса, чемпионнинг позицияси анча яхши, даъвогар дурангга эришиш учун анча «терлаши» керак, демоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ, 11.00 — Мультфильм, 11.05 — Қизил елканлар (бадиий фильм) 12.30 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 Ёш куч, 19.00 — Ахборот, 19.20 Халқ контроли экрани, 19.45 — Ғижжак наволари, 20.15 — Ахборот, 20.30 — Ҳур республикалар бузилмас Иттифоқи. СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигига бағишланган телевизион фестиваль. Озарбайжон телевидениесининг программаси, 22.00 — МОСКВА 22.30 — ТОШКЕНТ. Озарбайжон телевидениеси программасининг давоми.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.35 — МОСКВА, 22.00 — ТОШКЕНТ, Бахтли ороллар (фильм концерт), 22.15 — Реклама ва эълонлар, 22.30 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00—ТОШКЕНТ. Фильм-концерт. 21.05 — **Қизил дипломат** (телевизион бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.10 — **Чегарадаги отишув** (бадиий фильм).

РАДИО БУГУН

6.15—Тонгги концерт. 7.40 — Рубоб учун пьесалар. 8.25—Ўзбек телевиденнеси ва радиоси солистлари ва чолғу оркестрининг концерти. 9.30 — Москва. **«Ер ва эл»** радиожурнали. 10.25 — Совет экрани куйлари. 11.15—«Октябрь ёдуси остида» Армачистон Компартияси Марказий Комитети секретари **М. С. Мелконян** суҳбати. 11.30 — Арманистон халқ қўшиқ ва рақслари. 12.15 — Ўзбекистоннинг заробдор қурилишларида. 12.25 — Қурувчилар учун концерт. 13.30 — **А. Бабажанян** қўшиқлари. 14.00 — Арманистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари юбилей вахтасида. 15.10—Узоқ жойлардаги гидрометеорология станциялари ходимлари учун эшиттириш ва концерт. 16.10 — Арманистон композиторларининг эстрада асарлари. Арманистон радиосининг эшиттириши. 16.50— **«Правда»** газетасининг обзори. 17.00 — **«Ленин йўлидан»** музикали-адабий эшиттириш. 18.00— Катта опла даврасида. Арманистон радиосининг эшиттириши. 18.10—Арман операси ва балети саҳифаларида. 19.20—Татар куйлари. 20.00 — Арманистон ёшлари **«Ёшлик»** радиостанциясининг меҳмони. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10—«Яшил қишлоқ яратдим мен» Сирдарё область Г. Титов номидаги совхоз меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.15—Микрофон олдида СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова.** 22.40 — «Дружба народов» журнали саҳифаларида. 23.10—Куйлар тинглаб дам оламиз.

КИНО

Қишки бинода

Шафтоли гули — «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номли, «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Мессе фермасининг сири — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА (ток соатларда), «СПУТНИК», САНЪАТ САРОЙИ, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Садоқат (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва 4 ярим).

Афсунгар пойгачи — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 5 ва кеч 7 да).

Онтарио бўйидаги саргузаштлар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Кулгили қиз — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Ференц Лист — «МОСКВА» (кундуз соат 2 ва кеч 8.40 минутда).

Ёзги бинода

Мессе фермасининг сири — «ФЕСТИВАЛЬ».

Афсунгар пойгачи — «ХИВА».

А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

29, 30 июль кеч соат 6 да

ШОДЛИК ВА КУЛГИ КЕЧАЛАРИ

Халқ сайили

ПРОГРАММАДА: **оммавий ўйинлар, ҳажвия, латифалар, қизиқчиликлар, шаҳар халқ театри ва «БАЕТ» ансамблининг концерти, ҳамда катта дор ўйинлари.**

Тошкент қишлоқ хўжалик институти ва Ўсимликлар химияси илмий-тадқиқот институти коллективлари қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири, доцент

Зокир Собирович СОБИРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

Шўрлви МАМЛАКАТЛАРДА

ДУСТЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

●

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ДАЪВАТИ

●

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ

●

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДАГИ АҲВОЛ

●

ВДРДА ШОЛИ ЎРИЛМОҚДА

ВДР далаларида шоли ўришга киришилди. Шимолий Вьетнам территориясида бомбалар кетма-кет портлаб турган бир пайтда ҳам деҳқонлар ишни бўшаштирмай фидокорлик билан ишламоқда. Суратда: Дионглой кооперативи далаларида.

ВИА—ТАСС фотоси.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 25 июль. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг Сиёсий бюроси «Юманите» газетасининг ҳар йили 9-10 сентябрда ўтказиладиган байрами катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: бу байрам ҳозирги сиёсий вазиятда Франция Коммунистик ва социалистик партияларининг қўшма ҳукумат программасини амалга ошириш учун бутун мамлакат миқёсида биринчи марта халқ учрашуви бўлади. Радикаллар партияси сўл қанотининг вакиллари уларга қўшилди.

Баёнотда айтиладики, Франция коммунистларининг органи «Юманите» газетаси халқ иттифоқини вужудга келтириш учун, қўшма ҳукумат программасини амалга ошириш учун курашда, Франция ишчилари, демократик ва миллий кучларининг ғалабаси учун курашда ғоят муҳим роль ўйнамоқда.

УАЙТЛОУ ТАҲДИД ҚИЛМОҚДА

ЛОНДОН, 25 июль. Шимолий Ирландия ишлари бўйича министр У. Уайтлоу Англия ҳукумати шимолий Ирландияда «тартиб ўрнатишга қатъий қарор берганлиги»ни айтди.

Ольстернинг пойтахтида ўтган жума куни 11 киши ҳалок бўлган ва 130 га яқин киши жароҳатланган эди. Уайтлоу парламентда Ольстердаги вазият юзасидан фавқулодда мунозараларни бошлаб берди ва маъмурлар «террорчилар»ни бостириш учун энг қатъий чоралар кўришга шай бўлиб турибдилар, деди.

Уайтлоунинг гапларидан маълум бўлишича, Лондон шимолий Ирландия проблемасини ҳарбий йўл билан ҳал этишга тамомила умид боғламоқда. Ольстердаги инглиз қўшинларининг сони 17 минг кишига етди. Яқинда «Сарацин» типидаги бронетранспортерларга қўшимча равишда бу ерга «Саладин» типидаги оғир машиналар юборилди.

Мавританияда мустақилликка эришилган йиллар мобайнида тоғ-кон саноати бунёд этилиб, тез ривожланмоқда. Акжужт бассейни энг бой конлардан ҳисобланади. мутахассисларнинг фикрига қараганда бу ерда ярим миллион тонна тоза маъдан запаси бор.

Суратда: Акжужт, бойитиш комбинатининг умумий кўриниши.

Ю. ФЕДУТИНОВ фотоси. (ТАСС).

Социализм одимлари

РАДОМ ТЕЛЕФОНЛАРИ

ВАРШАВА, 25 июль. (ТАСС). Радомдаги телефон заводининг замонавий телефон аппаратларини жаҳондаги 24 мамлакат, шу жумладан кўпчилик социалистик мамлакатлар сотиб олмоқда. Совет Иттифоқи шундай аппаратларин энг кўп сотиб олаётган мамлакатдир.

Радом заводи 20 хилдан кўпроқ телефонлар ишлаб чиқармоқда. Буларнинг кўп қисмини завод конструкторлик бюроси яратган. Булар орасида деворга осиладиган, овозни автомат равишда баланд-паст қиладиган аппаратлари бўлган телефонлар бор. Бола-чақалик оилалар учун айниқса мазмун бўлган номерлари ёпиқ телефон шу корхонада ишлаб чиқарилаётган энг янги телефон нусхасидир.

Ҳозирги вақтда Радом заводи ҳар йили 700 минг телефон аппарати ишлаб чиқармоқда. Корхона янгиланиб, реконструкция қилинганидан кейин, 1975 йилга бориб қарийб 1 миллион аппарат ишлаб чиқарилади.

ШАХТЁРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ПХЕНЬЯН, 25 июль. (ТАСС). Халқ Кореясида кўмир қазиб чиқариш йил сайин кўпаймоқда. Жанубий Хамген вилоятининг шахтёрлари «қора олтин» қазиб чиқаришни кўпайтиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилганлиги ва рационализаторлик таклифлари жорий этилганлиги натижасида бу ерда ҳар куни кўмир қазиб чиқариш ўтган йилнинг шу даври кўрсаткичларига нисбатан 1, 3 баравар кўпайди.

Ковон шахтасининг проходкачилари ишнинг илғор методларидан ва замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, ҳар куни планни 1,5-2 баравар ошириб бажармоқдалар.

Республика шахтёрлари 1972 йил планини 10 октябргача тўла бажариш мажбуриятини олдилар.

ШАРТНОМА МАЪҚУЛЛАНДИ

ДЕҲЛИ, 25 июль. (ТАСС). Яқинда Симлада Ҳиндистон билан Покистон ўртасида имзоланган шартномани бугун Ҳиндистон Министрлар кабинетининг мажлиси маъқуллади. Бош министр Индира Ганди раислик қилган мажлис давомида унинг иштирокчилари битимларни ратификация қилиш муддати тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилдилар, деб хабар беради ЮПИ агентлиги.



КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ҲАЖВИЯ

Майнинг ўрталарида менинг ўғлим-бугун ўн, тўққиз, саккиз кун қолди, деб санаб юрди. Майнинг сўнгги куни кучли қичқириқ кўраётган тушимни бузиб юборди:

— Мактабда машғулотлар тамомланди! Ура!

Биз эски бир танишимникига хордиқ чиқариб келиш учун меҳмондорчиликка жўнадик. Маршрут автобусида бир соат юриш асабимни буткул ишдан чиқараёзди. Чекаётган сигаретимни автобус ойнасидан булоқчанинг сувига ташлаб юборган эдим, набирам буни кўрасолиб, менга лекция ўқий кетди:

— Қарисанг ҳам, сувни булғаш мумкин эмаслигини тушунмайсанми? Тамаки — захар-ку. Балиқларнинг ўпкаси зарарланади. Ўқитувчимиз, одам ёшлигидан бошлаб табиатни сақлашга ўрганмоғи керак, деб айтган эди.

— Сенинг ўзинг ҳам ҳозиргина ўтнинг устига конфетнинг қоғозини ташлов-динг-ку, — дедим.

—Унинг захари йўқ, озгина ширасн бор, ҳеч нарса қилмайди.

— Борди-ю асаларилар қоғозга ўтиришса, шакар касаллигига дучор бўлмайдими?

— Асаларини қант билан боқиш кераклигини билмайсанми? Ахир гуллар кам-ку.

Тўққиз ёшли диктатор мени таслим бўлишга мажбур этди.

— Менга қара, меҳмондорчиликка борганимизда, ўзингни яхши тутишга уриниб кўр, — дедим набирамга огоҳлантирганимнинг дачасига яқинлашиб қолганимизда.

— Баҳоларинг яхшими?—дея сўраб қолди уй бекаси.

— Ўрта, — деди ўғлим. Лекин ҳулқим аъло.

— Буниси соз экан. Мактабинг узоқми?

— Менга билинмайди. Чунки ҳамиша югуриб бораман, — деди-да, ҳовлида юрган жўжаларга қарди. Жўжаларни қаранг, чиройлилигини. Улар менга шунчалар ёқади-ки.

Аёл қўлини боланинг бошига қўйди-да:

— Мен-ку биттасини албатта сенга берар эдим, лекин уни шаҳарда боқадиган жойларинг йўқ. Уни сен каерга ҳам жойлаштирардинг?

— Духовкага, пиширардим, — деди бола. —Менга улар шунчалар ёқадики.

Ер ёрилмади-ю, кириб кетмадим. Шунчалар уялиб кетдим. Уйга қайтаётганимизда яна баттар бўлдим. Набирам бир йигитчанинг қаршисига ўтириб олиб, унинг хипча кийинганига қараб ўзини тўхтатаолмасдан хохолаб куларди.

— Қаранглар, қаранглар! Манави амаким қулоғига зирак тақиб, лабларига қизил суртиб олибди!..

— Яхши бориб келдингларми? — дея сўради хотиним уйга қайтганимиздан кейин.

— Уйга тирик ҳолда қайтиб келганимиздан сўнг, демак яхшиси шу-да, — дея жавоб бердим.

У гапнинг нималигига тушинди-да боланинг ёнида келди.

— Сен яна ҳаддан ташқари эзмалик қилдингми?

Бола норозилик билдириб:

— Мен чекилган сигарета қолдиғини булоқ сувига ташлаш керакмас, эркаклар эса қулоқларига зирак тақмасликлари ва лабларини бўямасликларини айтувдим, холос, — деди.

Хотиним унинг бу жавобига шундай қилганинг учун бугун уйда ёлғиз ўзинг қоласан деди.

— Биз болалигимдаги ўртоғимникига борамиз, — дедим.—Бугун олтмиш ёшга тўлади. У биолог, витаминларни ўрганаётир.

— Сен ўша академикдан сўраб кўр, балиқ мойидан витамин олиб, уни чақмоқ қант ичига жойлаштириш мумкинмикан.

У индамаганча ташқарига қараб, жим туриб қолди.

— Нимани ўйлаяпсан? — дедим.

— Кутяпман...

— Нимани?

— Бу каникул қачон тамом бўларкин, яна мактабга борардим...

Мартти ЛАРНИ, фин ёзувчиси (АПН).

ЮСФР ички ишлар Иттифоқ секретариатининг ахбороти

БЕЛГРАД, 25 июль. (ТАСС). ТАНЮГ Агентлиги Югославия ички ишлар Иттифоқ секретариатининг ахборотини эълон қилди. Ахборотда хавфсизлик органлари яқинда мамлакатга яширинча юборилган уста-ши диверсантлари ва террорчилари группасини тутатди, деб айтилади. Шу группага кирган 19 кишидан 17 киши йўқ қилинган. Хавфсизлик органлари қолганларни қидирмоқда.

Ахборотда террорчилар ҳаракат қилган районларнинг аҳолиси жиноятчиларга қарши курашда актив ёрдам берганлиги уқтириб ўтилган.

ТОКИОДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ТОКИО, 25 июль. (ТАСС). Бугун Япония пойтахтида катта ёшдаги аҳолининг умумий маълумот даражасини оширишга бағишланган учинчи халқаро конференция очилди. Конференцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари бўйича махсус муассасаси — ЮНЕСКО ўтказмоқда.

Конференцияда 70 мамлакатдан келган 400 га яқин делегат қатнашмоқда. Конференция ишида СССР делегацияси ҳам бор. «Янги воситалар асосида таълим беришнинг методлари ва техникадан фойдаланиш масалалари» конференциянинг бош мавзуидир.

Конференциянинг очилишида Япония бош министри К. Танака ва ЮНЕСКОнинг бош директори Рене Майо табрик нутқлари сўзладилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **ЛОНДОН, 25.** Душанба куни Англия парламентининг умум палатасида шимолий Ирландиядаги аҳвол масаласи юзасидан бошланган фавқулодда мунозаралар кечаси тамом бўлди. Парламент аъзоларидан кўпчилигининг нутқларида шимолий Ирландия проблемасини сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан ҳал этиш зарур эканлиги тўғрисида лом-мим дейилмади. Ваҳолонки, бу ҳол Ольстердаги танглиқнинг асосий сабабидир.

Шимолий Ирландиядан сайланган парламент аъзоси Фрэнк Макманус таъкидлаб ўтганидек, Ольстерда репрессияларнинг кучайтирилиши ва қарбий ҳолатнинг жорий қилиниши вазиятни янада мушкуллаштириб юборади холос. Фактлар, деди у, «қаттиқ-қўлли сиёсати» аслида барбод бўлганлигини ва Ольстердаги нескинликни сира ҳам бўшаштирмаганлигини исбот этади.

Аммо, парламент бунга эътиборга олмай, ҳукуматнинг шимолий Ирландияга нисбатан сиёсатини маъқуллади.

✦ **ЛОНДОН, 25.** Англия парламенти Ольстердаги аҳволни муҳокама қилаётган бир пайтда Британия солдатлари шимолий Ирландиянинг турли шаҳарларида граждан ҳуқуқлари учун курашаётган кишиларни ўққа тутаётгандилар. Бунинг натижасида Белфастда ва Лондондеррида тинч аҳолидан бир неча киши жароҳатланди.

Инглиз солдатлари ва «хавфсизлик кучлари» Ольстернинг католиклар яшайдиган шаҳарларида ёппасига тинтув ўтказдилар. Қирққа яқин киши қамоққа олинди. Уларнинг кўпи суд-сўроқсиз турмага қамалиш хавфи остида қолди.

Англия телевидениесининг шарҳчиси душанба куни кечки программада шимолий Ирландиядаги вазият кескинлигича қолмоқда, деб тан олди.

✦ **ЛИМА, 25.** Кубанинг Перудаги элчиси Антонио Нуньес�менес Перу президенти Хуан Веласко Альварадога ишонч ёрлиқларини топширди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП. ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28, Редактор — 336545, Редактор ўринбосар лари — 337914, 330 683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451, Маҳалляй ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Стенографистка— 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор— 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро— 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд —31—972, Термиз — 55—35, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 174. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри ИНДЕКС 64697. Р. 04347.